

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Рустамов Рамз Ризоқулович

**Геополитик рақобат шароитида маънавий
тарғибот системасидаги атрибутив
ўзгаришлар, муаммолар ва ечимлар**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Рустамов Рамз Ризоқулович

Геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасидаги
атрибутив ўзгаришлар, муаммолар ва ечимлар 5

Рустамов Рамз Ризоқулович

Атрибутивные изменения в системе духовной пропаганды в условиях
геополитической конкуренции, проблемы и решения 21

Rustamov Ramz Rizoqulovich

Atributive changes at the system of moral propaganda on the geopolitic
challenging conditions, problems and their solutions 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ РАМЗ РИЗОҚУЛОВИЧ

**ГЕОПОЛИТИК РАҚОБАТ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ
ТАРҒИБОТ СИСТЕМАСИДАГИ АТРИБУТИВ
ЎЗГАРИШЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal64 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжар Анварович
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич
фалсафа фанлари доктори, доцент

Мухторов Азамат Мухторович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор.

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, фалсафа
доктори (PhD), фалс.ф.б.

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози дунёда глобал геополитик мувозанатнинг ўзгаришига ва рақобатнинг авж олишига сабаб бўлди. Геополитик кучлар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашиши замонавий тарғибот системаларини геополитик мақсадлар учун хизмат қилувчи механизмга айлантирди. Мазкур системаларни манфаатдор томонлар етарли даражада молиявий ресурслар, интеллектуал имкониятлар, воситалар билан ҳар тарафлама таъминламоқда. Бунинг натижасида, замонавий тарғибот системалари геополитик кучларнинг мақсад ва манфаатларига мос бўлган ғоя, таълимот, маълумот, ахборот, қарашларни кенг тарқатишга муваффақ бўлишяпти. Бундай вазиятда деструктив тарғибот системаларига қарши туришга қодир бўлган миллий маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш масалалари долзарб социал (ижтимоий) вазифага айланмоқда.

Дунё маънавий-маърифий тарғибот системасида глобаллашув даврининг геополитик, геомафкуравий таҳдидларига қарши кураш, ахборот хуружининг олдини олишга қаратилган масалалар илмий жамоатчиликнинг долзарб муаммоси сифатида кўтарилган. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида замонавий тарғибот системаларининг мазмуни, мақсади ва вазифалари, асосий функциялари, услублари ва усуллари, омиллари ва воситаларига бағишланган, унинг ижтимоий жараёнларга таъсирини таҳлил қилишга қаратилган фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тарғибот самарасини оширишга хизмат қиладиган концепциялар ва технологиялар яратилиб, тарғибот институтларига тақдим қилинмоқда. Тарғибот назарияси билан боғлиқ жиддий илмий изланишларнинг амалга оширилиши, тарғибот системасининг интеллектуал, услубий ва амалий жиҳатдан такомиллаштирилиши шахс ва жамият маънавий хавфсизлигига таъблукли стратегик масаладир.

Мамлакатимизда кейинги чорак аср давомида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик ғоялари тарғиботи билан боғлиқ кўп асрлик миллий тажрибалар тикланди, миллий маънавий тарғибот системаси шакллантирилди. Мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати раҳнамолигида бутун жамиятдаги маънавий ва интеллектуал ресурслар мазкур система фаолиятини ривожлантиришга сафарбар қилинди. Натижада миллий маънавий тарғибот системаси аста-секинлик билан оптимал кўринишга келди, институционал жиҳатдан такомиллашди. Бироқ ижтимоий воқеликдаги ўзгаришлар ушбу системани ҳам муттасил тараққий эттиришни тақазо қилмоқда. "...Маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур"¹. Бу вазифани бажариш учун миллий маънавий тарғибот системасини модернизация қилиш масаласи махсус тадқиқот объектига айланмоғи керак.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган "2017-2021

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Т.:Ўзбекистон, 2017.- Б.43.

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5-устувор йўналишидаги 5.1 бандини амалга оширишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлда қабул қилинган ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 майда қабул қилинган ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларини бажаришга, шунингдек, 2019 йил 8 апрелда қабул қилинган ПФ-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишини бажаришга ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарғибот ишларининг мазмуни ва уни йўлга қўйиш масалалари жаҳон илм-фанда қадимдан ўрганиб келинган. Айниқса, XX асрда муаммога доир кўплаб асарлар нашр этилган. Аммо муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамадан, маънавий тарғибот, унинг моҳияти ва мазмуни яхлит система сифатида ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан шу пайтгача мукамал тадқиқ этилмаган. Ушбу соҳани ўрганган олимлар қаторига Фарбада Э.Арансон, Э.Бернейс¹, У.Липпман, Р.Лифтон Э.Пратканис ва МДХ давлатларида К.Герасимов, С.Кара Мурза, А.Карпинский, В.Леслав, А.Новиков² ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам маънавий тарғибот муаммолари бир неча аспектда тадқиқ этилган. Хусусан, биринчи гуруҳ муаллифлари – Ў.Абилов, М.Имомназаров, С.Отамуродов, А.Эркаев каби олимлар илмий ишларида маънавиятнинг мазмуни ва ривожланиш қонуниятларини ўрганар эканлар, турли ғояларнинг трансляцияси ҳақида фикр юритганда маънавий тарғибот билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталиб ўтадилар.

Иккинчи гуруҳ адабиётларида маънавий тарғибот масалалари маънавий-маърифий тарбия жараёнлари билан уйғун ҳолда ўрганилади. Жумладан, Ш.Акрамова, Д.Исматиллаева, Б.Очилова, М.Қуронов³, Н.Саломов, Н.Темирова ва бошқаларнинг илмий ишларида маънавий тарғибот тадбирлари маънавий тарбиянинг муҳим омили сифатида талқин қилинган.

¹ Бернейс Э. Пропаганда. - М.: Hippo Publishing LTD, 2010.

² Новиков А., Герасимов К. Технологии пропаганды. Методическое пособие. - М.Изд-во Флинта, 2018.

³ Қуронов М. Миллий тарбия. - Т.:Маънавият, 2007.

Учинчи гуруҳ муаллифлари (масалан, А. Маврулов¹, О.Муҳаммадиева, У.Қорабоев, Ш.Тўраев, И.Тўракулова ва бошқалар) маънавий тарғиботни маънавий-маърифий тадбирларнинг ўзига хос шакли сифатида тадқиқ қиладилар.

Тўртинчи гуруҳдаги адабиётларга маънавий тарғибот масалаларини жамиятдаги маънавий жараёнлар контекстида тадқиқ қилган муаллифларнинг (масалан, М.Бекмуродов, М.Бўронов, Қ.Назаров, М.Қаҳҳорова, Р.Рўзиева, Г.Туленова², Б.Тураев, У.Язданов ва бошқаларнинг) илмий ишларини киритиш мумкин.

Юқоридаги тадқиқотчилар ўз илмий ишларида маънавий тарғибот масалаларига доир қимматли фикрларни илгари сурганларига қарамасдан, уни махсус ўрганишни мақсад қилиб қўймаганлар. Муаммонинг ҳанузга қадар ижтимоий фалсафанинг махсус тадқиқоти мавзусига айланмагани унинг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Комил шахсни тарбиялашнинг маънавий-маърифий, мафкуравий ва фалсафий муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маънавий тарғибот системасидаги атрибутив ўзгаришларни, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маънавий тарғибот системаси мазмуни ва таркибини аниқлаш;

маънавий тарғибот системаси эволюциясини таҳлил қилган ҳолда унинг ривожланиш даврларини ифодалаш;

XXI аср бошларидаги геополитик рақобат тарғиботни геополитик таъсир воситасига айлантирганини исботлаб бериш;

замонавий тарғибот технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ва асл мақсадларини очиб бериш;

миллий маънавий тарғибот системаси фаолияти билан боғлиқ муаммоларни умумлаштириш;

миллий маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти геополитик рақобат шароитида жамиятдаги ўзига хос хусусиятларга эга маънавий тарғибот системаси.

Тадқиқотнинг предмети геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасининг моҳияти, таркиби ва фаолиятини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, тарихийлик, мантиқийлик усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, диссертацияда объективлик ва системавийлик принципларига таянилди.

¹ Маънавият тарғиботчиси.// Маврулов А., Тўраев Ш., Даминов И. ва б. - Т.: Сано-стандарт, 2016

² Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли: Фалс.ф.д. ... дисс. автореф. - Т., 2006

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кишилиқ жамияти тараққиёти давомида маънавий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёт парадигмалари ўзгариши ва манфаатлар тўқнашувининг кескин тус олиши тарғиботнинг конструктив (бунёдкор) ва деструктив (вайронкор) типларининг юзага келишига сабаб бўлгани давр характери орқали аниқланган;

маънавий тарғибот системасида холис ахборот трансформациясининг визуал, виртуал ва оммавий тарғибот воситалар орқали жамоатчилик фикрига эффектив таъсирининг конструктив (бирлаштирувчи, етакловчи, уюштирувчи) имкониятлари кўрсатиб берилган;

маънавий тарғиботчилари компетентлиги ва дифференциал ёндашувнинг етишмаслиги бир қатор ижтимоий гуруҳлар (кишлоқ хўжалиги субъектлари, маиший хизмат соҳаси, транспорт, тадбиркорлар, ишсизлар, уй бекалари)нинг миллий маънавий таъсирдан бегоналашиб бораётганлиги ходисаси ишонарли аргументлар асосида очиб берилган;

маънавий тарғибот ишларини тематик режалаштириш тарғибот материалларининг мазмунини бойитиш ва тарғибот жараёнларининг изчиллиги, системалилиги, комплекслилигини таъминлаш омили эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда маънавий тарғибот системасининг элементлари муфассал аниқлаб берилган бўлиб, бу натижалар маънавий тарғибот системаси самарадорлигини оширишда назарий-методологик асос вазифасини ўтаган;

илмий ишда замонавий деструктив тарғибот системалари қўллаётган услуб ва усуллар умумлаштирилган бўлиб, бу натижалар жамият ва шахсни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган тарғибот ишларини йўлга қўйишда қўл келган;

тадқиқотнинг асосий амалий натижаси “Маънавий тарғибот системаси фаолиятини модернизациялаш бўйича Давлат дастурининг” концептуал асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фақат илмий характердаги манбаларга, муаллиф ўтказган социологик сўров натижаларига мурожаат этилгани, кенг апробациядан ўтган ғоя ва таълимотларга таянилгани, факт ва аргументларни талқин қилишда тадқиқотнинг объективлик ва системавийлик принципларига асосан амалга оширилган, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар амалий фаолиятида қўллаб кўрилгани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари маънавий тарғибот мазмуни, таркиби ва функциялари, шаклланиши босқичлари ҳақидаги илмий тасаввурларни бир қадар бойитади, замонавий тарғибот системалари мазмуни ва мақсад-муддаолари, улар қўллаётган технологиялар характерини илм-фан позициясидан тадқиқ қилиш имконини беради.

Диссертацияда илгари сурилган ғоялар, келтирилган маълумотлар, қилинган назарий хулосалар, амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Маъ-

навият ва маърифат кенгашининг тарғибот-ташвиқот ишларида қўлланилиши мумкин. Илмий иш материаллари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотларда ишлатилиши ҳам мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маънавий тарғибот системасининг мазмуни, таркиби ва эволюциясини ўрганиш, замонавий тарғибот системаларининг хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида:

жаҳондаги геополитик кучлар рақобати билан замонавий тарғибот системаларининг характери ўртасидаги диалектик алоқадорлик мавжудлигини очиб бериш, замонавий тарғибот тизимларининг ўзига хос жиҳатлари, мақсад-муддаолари, таркибий тузилиши, молиявий ресурслари, назарий-услубий таъминоти, услублари ва усулларини аниқлашга оид назарий хулосалари Қарши давлат университети ижтимоий фанлар кафедраси 2007-2011 йилларда бажарган ОТ-Ф8-022 “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 89-03-4242-сон маълумотномаси). Натижада замонавий тарғибот системалари геополитик кучларнинг мақсад ва манфаатларига мос бўлган ғоя, таълимот, маълумот, ахборот, қарашларни кенг тарқатаётганлигини аниқлашга хизмат қилган;

кишилиқ жамияти тараққиёти давомида маънавий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёт парадигмалари ўзгариши ва манфаатлар тўқнашувининг кескин тус олиши тарғиботнинг конструктив (бунёдкор) ва деструктив (вайронкор) типларини юзага келишига сабаб бўлгани ва маънавий тарғибот системасида холис ахборот трансформациясининг визуал, виртуал ва оммавий тарғибот воситалар орқали жамоатчилик фикрига ижобий таъсири ҳақидаги хулоса ва тавсияларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил сентябрь ва октябрь ойларида “Замонавий маънавий таҳдидларнинг моҳияти” ва “Долзарб мавзу” каби кўрсатув ва эшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 19 октябрдаги 12-15-1432-сон маълумотномаси). Мазкур тайёрланган кўрсатув ва эшиттиришлар аҳолини замонавий тарғибот системаларининг асл мақсадларидан воқиф этишга хизмат қилган;

миллий маънавий тарғибот системасининг долзарб муаммоларини бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мажмуидаги методологик таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат Марказининг 2018 йил учун мўлжалланган иш режаси II бўлим 16-бандига кўра “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ва барча тарғиботчиларга мўлжалланган услубий қўлланма, V бўлим 41- бандида қайд этилган мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик муҳитини қадрлашга доир “Маънавиятга таҳдидлар: муаммо ва ечимлар” номли рисола тайёрлаш, VII бўлимнинг 51, 52 - бандларида қайд этилган “Жамиятдаги, айниқса, ёшларда фуқаролик позицияси ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг

ғоявий-мафкуравий механизмларини такомиллаштириш”, “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизм ва технологиялари” мавзусида амалий тадқиқотлар олиб бориш жараёнларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 26 декабрдаги 02/07-1329-18-сон маълумотномаси). Диссертацияда илгари сурилган илмий хулоса ва амалий тавсияларнинг қўлланилиши Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг маънавий-маърифий самарадорлигини ошишига хизмат қилган;

маънавий тарғибот ишларини тематик режалаштириш тарғибот материалларининг мазмунини бойитиш ва тарғибот жараёнларининг изчиллиги, системалилиги, комплекслилигини таъминлаш омили эканлиги ҳақидаги назарий хулосаларидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгашининг 2018 йилга мўлжалланган дастурининг III.3.2, III.3.12 ва IV.2-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2018 йил 22 ноябрдаги 02-133-сон маълумотномаси). Илгари сурилган назарий хулосалар, амалий таклиф ва метадологик тавсиялар аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда самарали хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 1 та халқаро ва 19 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўй-хатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Маънавий тарғибот системасини тадқиқ этишнинг назарий асослари**” деб номланган бўлиб, унда маънавий тарғибот системасининг таркиби ва эволюцияси таҳлил қилинади. Мутахас-

сислар тарғиботни ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида эътироф этадилар. *Тарғибот* деганда муайян жамоатчилик фикри ва ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида маълум бир ғоя, фикр, кадрият, норма, маълумот, факт ёки аргументнинг тарқатилиши жараёни тушунилади.¹ Унинг *асл мақсади* муайян субъектнинг манфаатларига мос бўлган жамоатчилик фикри ва ҳаётий позицияни шакллантириш билан боғлиқ. Қўйилган мақсаднинг характериға қараб тарғиботнинг икки типини (конструктив ва деструктив) таснифлаш мумкин.

Маънавий тарғибот конструктив тарғиботнинг ўзига хос кўринишидир. *Маънавий тарғибот деганда жамиятдаги барқарорлик ва ҳамжихатликни шакллантириш, ижтимоий гармонияни мустаҳкамлаш, кишиларда гуманистик эътиқодни қарор топтириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фазилатларни шакллантириш, уларни умумэътироф этилган кадриятлар атрофида бирлаштириш мақсадида муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий, илмий, бадший, эстетик ва бошқа фикр ва ғояларни, факт ва аргументларни тарқатиш жараёни назарда тутилади.* Маънавий тарғибот умумжамият манфаатларига хизмат қилади ва манипулятив мақсадларни қўймайди. У ҳар қандай жамиятда тарбиялаш, ахборот етказиш ва ҳимоялаш функцияларини бажаради.

Маънавий тарғибот ўз олдиға қўйган мақсадиға мутаносиб бўлган қатор *вазифаларни* бажаради. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- а) муайян фикр ва ғояни жамоатчилик онгига сингдириш;
- б) кишиларни умумжамият ва миллат эҳтиёж ва манфаатларига мос бўлган мақсад йўлида фаоллаштириш;
- в) муқобил, ғайриинсоний мақсадларға етакловчи ғоянинг асоссиз эканлигини исботлаб бериш;
- г) муқобил, ғайриинсоний мақсадларға етакловчи ғояни асослаш учун келтирилган фактларни рад этиш;
- д) кишиларни умумжамият ва миллат эҳтиёж ва манфаатларига мос тушмайдиган муддаоға интилишдан қайтариш.

Маънавий тарғибот системаси мураккаб *таркибга* эга. Бизнинг фикримизча, бундай таркиб маънавий тарғибот субъекти, мазмуни ва шакллари, услублари ва усуллари, омиллари ва воситаларини ўз ичига олади.

Диссертацияда маънавий тарғибот системаси таркибий элементларининг мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилган.

Маънавий тарғиботнинг юқорида қайд этилган таркиби қисқа муддатда ёки фавқулудда пайдо бўлиб қолгани йўқ. Мантиқан фикрлаганда, жамиятда ғоя, фикр бор экан, уни тарқатиш, жамоатчилик онгига етказиш механизми ҳам, мазкур механизм асосида фаолият олиб борадиган кишилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлади. Шуни назарда тутган ҳолда америкалик социолог Ч. Симман таъкидлайдики, тарғибот социумда кишилар нутқдан фойдалана бошлаганлари захоти вужудға келган.²

¹Қаранг, мас.: Назаретян А.П. Агрессивная толпа, массовая паника, слухи. Лекции по специальной и политической психологии. – СПб.: Питер, 2004. – С. 163.

²Қаранг: Siepmann C. The Nature of Propaganda. – N.Y., 1969. – P. 12.

Бизнинг фикримизча, тарғиб қилинган ғоялар, маънавий тарғибот воситаларига қараб маънавий тарғибот системаси эволюциясини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

а) *Қадимги дунё маънавий тарғиботи* асосан эзгулик, ижтимоий тенглик ва адолат ғояларини жамоатчилик онгига сингдириш билан боғлиқ эди. Бу давр эрамиздан аввалги III минг йилликдан тортиб эрамизнинг VI-VII асрларига қадар бўлган даврни қамраб олади;

б) *Ўрта асрлар маънавий тарғиботи* ўз даври каби теоцентриқ характерга эга бўлгани боис дин ақидалари ва диний таълимотлар моҳияти ва мазмунини тушунтириб ва асослаб бериш, уни жамоатчиликка сингдириш воситасига айланди. Бу давр эрамизнинг VI-VII асрларидан тортиб XIV асрга қадар бўлган даврни қамраб олади;

в) *Уйғониш даври маънавий тарғиботи* асосан гуманизм ғояларини жамоатчилик онгига сингдириш билан боғлиқ эди. Бу давр XIV аср охирида бошланиб, XVI асрда ниҳоясига етди;

г) *Янги замон маънавий тарғиботи* асосан маърифатпарварлик ғояларини жамоатчилик онгига сингдириш билан боғлиқ эди. Бу давр XVI асрнинг охири-XVII асрнинг бошларида бошланиб, XX аср бошларига қадар давом этди.

д) *Ҳозирги замон маънавий тарғиботи* ўзининг плюралистик характери, тарғиб этилаётган ғояларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Бу давр XX асрнинг бошларидан (биринчи жаҳон уруши йилларидан) бошлаб бугунги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади.

Диссертациянинг биринчи боби юзасидан қуйидаги *хулосаларни* чиқариш мумкин:

1. Тарғибот муайян фикр ёки ғоя, таълимот ёки назарияни тарқатиш орқали жамоатчилик фикрини ва ҳаётий позицияни шакллантириш жараёнини англатади. Уни характерига кўра конструктив ва деструктив тарғиботга ажратиш мумкин. Маънавий тарғибот тарғиботнинг конструктив қисмини ташкил этади.

2. Маънавий тарғибот деганда жамиятдаги барқарорлик ва ҳамжихатликни шакллантириш, ижтимоий гармонияни мустаҳкамлаш, кишиларда гуманистик эътиқодни қарор топтириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фазилатларни шакллантириш, уларни умумэътироф этилган қадриятлар атрофида бирлаштириш мақсадида муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий, илмий, бадиий, эстетик ва бошқа фикр ва ғояларни, факт ва аргументларни тарқатиш жараёни назарда тутилади.

3. Маънавий тарғибот ўзаро алоқадор элементлардан иборат мураккаб системадир. Унинг таркиби маънавий тарғибот шакли ва мазмуни, услублари ва усуллари, омиллари ва воситаларини ўзида мужассам қилади.

4. Маънавий тарғибот конкрет-тарихий характерга эга: у ўзининг беш минг йиллик эволюцияси давомида мазмунан бойиб, шаклан мураккаблашиб борган. Ҳар бир даврнинг маънавий тарғиботи муайян ғоя ёки таълимотнинг тарқатилиши билан характерланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Геополитик рақобат шароитида тарғибот системасидаги ўзгаришлар**” деб номланган бўлиб, унда XXI аср бошларидаги геополитик рақобат тарғиботни геополитик таъсир воситасига айлантиргани, натижада замонавий тарғибот системаларининг асосий хусусиятлари янгича тус олгани асослаб берилди.

2008 йилда жаҳонда содир бўлган молиявий-иқтисодий инқироз ривожланган мамлакатлар орасида иқтисодий, молиявий, айниқса энергетик ресурслардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш, жаҳондаги вазиятни ўз манфаатларига мос тарзда ўзгартиришга уриниш кайфиятини кучайтирди. Геополитик кучлар ўз манфаатларини рўёбга чиқариш билан чекланмасдан, уни замонавий тарғибот омиллари ва воситалари ёрдамида асослаб беришга интилоқдалар. Хусусан, *иқтисодиёт соҳасидаги геополитик рақобат* тарғиботни геополитик кучларнинг жаҳон иқтисодий саҳнидаги позицияларини асослаб беришга, улар учун мақбул бўлган иқтисодий муносабатларни улуғлашга хизмат қилувчи воситага айлантирди. *Сиёсат соҳасидаги геополитик рақобат* тарғиботдан турли геополитик кучларнинг давлат белгилари, шакллари, сиёсий режимини сингдирувчи омил сифатида фойдаланишга ундади. Янги асрда тарғибот турфа геополитик блокларга хос бўлган сиёсий система ҳақидаги қарашлар, ҳуқуқий нормалар, халқаро сиёсий муносабат принциплари, демократияни экспорт қилувчи восита вазифасини ўтамоқда.

Ижтимоий соҳадаги геополитик рақобат геополитик кучларга мақбул бўлган турмуш тарзини тарғиб қилишни кучайтириб юборди. Бу борада “Америка турмуш тарзи”, “Европа қадриятлари” каби Ғарб оммавий ахборот воситалари томонидан ўйлаб топилган мафкуравий клишелар айниқса эътиборга сазовор. *Мафкуравий соҳадаги геополитик рақобат* эса Ғарб дунёсига хос бўлган ғояларни тарғиб этишни фаоллаштирди. Айниқса, Ғарб жамияти ҳаётида марказий ўрин тутган ғоялар –индивидуализм ва эгоцентризм ғоялари кенг тарғиб қилинмоқда.

Геополитик рақобат замонавий тарғибот системаларининг асосий хусусиятларини тубдан ўзартди. Тарғиботнинг геополитик мақсадларга йўналтирилиши давлатни унинг асосий *субъектига* айлантирди. Чунки геополитик сиёсат давлат томонидан амалга оширилар экан, унинг мақсадларига эришиш воситалари ҳам давлат қўлида мужассам бўлади. Давлат жамиятда мавжуд бўлган ва тарғибот ишларини амалга оширишга қодир турли институтларни ўз геополитик мақсадларига эришиш йўлида сафарбар қилади. Бунинг учун у тарғиботни амалга оширадиган институт ва механизмларни шакллантиришга, уларни маблағ билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор беради. Мазкур институт, марказ ва механизмлар *икки асосий вазифани* бажаришга сафарбар қилинган:

1. Мамлакат аҳолиси орасида мақбул жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ҳаётий позицияни қарор топтириш.

2. Маълум геополитик кучга хос ижтимоий-сиёсий позицияни муҳолиф мамлакат аҳолисига етказиш, уни ўз қарашларидан воз кечишга ундаш.

Тилга олинган вазифаларни бажаришга сафарбар қилинган замонавий тарғибот системалари мустақкам назарий-услубий таъминотга эга. Шунинг учун ҳам улар ўз фаолиятларини турли-туман услубга таянган ҳолда олиб бормоқдалар. Бу услубларни тарғиботчилар олдига қўйилган вазифаларга мутаносиб равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. *Биринчи гуруҳ услублари* (“мос қиёфа”, “тафовутлаш”, “муаммони белгилаш”, “такрорлаш”, “муаммони яшириш”, “тахдидлар ўйлаб топиш”, “хулоса чиқаришга халақит бериш”, “тескари алоқа”, “оддий талқин”, ахборот блокадаси ва б.) одатда мамлакат аҳолиси орасида мақбул жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ҳаётий позицияни қарор топтириш мақсадида қўлланилади.

Тарғибот услубларининг иккинчи гуруҳи (“номаълум манба”, “ўғрини ушла”, “илдамлик эффекти”, “иштирокчи эффекти”, “фактни констатация қилиш”, “ёлғон аналогия”, “гувоҳлар”, “тарих талқини”, “имконият”, “тушунчаларни алмаштириш”, “синов”, “руҳий фалажлик”, “рейтингни белгилаш”, “оламшумуллик ва шошилиничлик”, “ахборот тўлқини”, “гапларни бир матнга бирлаштириш”) маълум геополитик кучга хос ижтимоий-сиёсий позицияни муҳолиф мамлакат аҳолисига етказиш, уни ўз қарашларидан воз кечишга ундаш мақсадида қўлланилади. Мазкур услублар вазият тақозоси ва заруриятга қараб оммавий, жамоавий ва индивидуал усулларда, геополитик мақсадларга бўйсундирилган тарғиботнинг соҳалари ва вазифаларига мутаносиб равишда танланган воситалар ёрдамида ишлатилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби юзасидан қуйидаги *хулосаларни* чиқариш мумкин:

1. 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳондаги етакчи геополитик кучлар ўртасидаги рақобатни кучайтирди. Геополитик рақобат эса замонавий тарғибот системасини геополитик мақсад-муддаоларга хизмат қилиш воситасига айланттирди.

2. Бугунги тарғибот системаси фаолиятининг асосий йўналишлари геополитик рақобат соҳаларига мутаносиб бўлмоқда. Хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги рақобат мақбул иқтисодий муносабатлар ва ижтимоий-иқтисодий моделларни тарғиб қилишни, сиёсат соҳасидаги рақобат геополитик кучларнинг давлат белгилари, шакллари, сиёсий режимини тарғиб қилишни, ижтимоий соҳадаги рақобат ғарбона турмуш тарзини тарғиб қилишни, мафкуравий соҳадаги рақобат Ғарб дунёсига хос бўлган ғояларни тарғиб қилишни тақозо этмоқда.

3. Геополитик мақсад-муддаоларга хизмат қилаётган замонавий тарғибот системаси геополитик кучларга гоҳ бевосита, гоҳ билвосита даҳлдор бўлган мураккаб институтлар, механизмлар, марказлар, воситаларни ўзида муҷассам қилгани, етарли миқдордаги маблағ билан таъминланиб борилаётгани билан характерланади. Унинг фаолияти давлатнинг мутасадди органлари томонидан мувофиқлаштириб, маблағ ва ресурс билан таъминланиб борилмоқда.

4. Замонавий тарғибот системаси ўз фаолиятида таъсирчан услублар, усуллар ва воситалар мажмуидан самарали фойдаланмоқда.

Диссертациянинг “**Миллий маънавий тарғибот системасини модернизациялаш масалалари**” деб номланган учинчи бобида мазкур системада мавжуд бўлган муаммолар умумлаштирилади ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Аксарият замонавий тарғибот системаларининг геополитик мақсадларга хизмат қила бошлаши, деструктив характердаги тарғибот типларининг кўпайиши миллий маънавий тарғибот системаси фаолиятига янги кўз билан қарашни, уни замон талаблари асосида модернизациялашни тақозо қилмоқда.

Миллий маънавий тарғибот системаси мамлакатимизда тасодифан юзага келиб қолган воқелик эмас. Халқ орасида эзгулик ва адолатпарварлик, ҳамжихатлилиқ ва ахлоқлилиқ норма ва принципларини тарғиб қилиб келган институтлар тарихий тараққиётнинг аввалги босқичларида ҳам бўлган. Бу институтлар яхлит системага бирлаштирилмаган, фаолияти мунтазам характер касб этмаган ва бирор бир муассаса томонидан махсус мувофиқлаштирилмаган бўлса-да, анча таъсирчан ва самарали фаолият олиб борган.

Мустақиллик йилларида маънавий тарғибот системасини ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бироқ миллий маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш, маънавий тарғибот самарадорлигини ошириш билан боғлиқ стратегик вазифа тугал ҳал қилинганча йўқ. Барча соҳаларда бўлгани каби, маънавий-маърифий соҳада ҳам янги ва янги тенденциялар, жараёнлар, ижтимоий заруриятлар, зиддиятлар юзага келмоқдаки, бу ҳол мазкур системани янада модернизациялаш, илмий-назарий, методологик ва праксиологик жиҳатдан мустаҳкамлаш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бунинг учун биринчи навбатда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, умумлаштириш ва ифодалаш зарур бўлади.

Миллий маънавий тарғибот системасини модернизациялаш учун, фикримизча, қуйидаги *муаммоларга* эътиборни қаратиш зарур бўлади:

1. Маънавий тарғиботчиларининг савияси бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

2. Маънавий тарғиботда бир хил мавзуларнинг муттасил такрорланиши кўплаб ижтимоий муаммоларнинг эътибордан четда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

3. Маънавий тарғиботни табақалаштирган ҳолда амалга ошириш масаласи тугал ҳал қилинмаган.

4. Маънавий тарғибот узлуксизлигини таъминлаш зарурияти мавжуд.

5. Маънавий тарғибот воситаларидан фойдаланишда мутаносиблик бузилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун “Маънавий тарғибот системаси фаолиятини модернизациялаш бўйича *Давлат дастурини*” ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай дастурнинг қабул қилиниши жамиятимиз маънавий ва интеллектуал салоҳиятини маънавий тарғибот билан боғлиқ муаммоларни системали равишда ҳал қилишга сафарбар этган бўларди. Дастур қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни ўзида мужассам қилмоғи керак:

1. Маънавий-маърифий ишлар ташкилотчиларини тайёрлаш ва танлаш системасини такомиллаштириш.

2. Маънавият тарғиботчиларини тайёрлаш ишларини янги босқичга кўтариш.

3. Жамиятнинг маънавий соҳасига, шахс маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга хизмат қиладиган механизмни вужудга келтириш.

4. Маънавий-маърифий ишлар, жумладан маънавий тарғибот ишлари режасини тузишни тубдан ўзгартириш.

5. Маънавий тарғибот воситаларидан фойдаланишда мутаносибликка эришиш.

6. Маънавий тарғибот узлуксизлигини таъминлаш

7. Маънавий тарғибот ишларининг табақалаштирган ҳолда амалга оширилишини такомиллаштириш.

8. Маънавий тарғибот системасининг моддий-техника базаси ва молиявий ресурсларини муттасил такомиллаштириб бориш.

9. Маънавий тарғибот ишларига бўлган муносабатни ўзгартириш.

Диссертациянинг учинчи боби юзасидан қуйидаги *хулосаларни* чиқариш мумкин:

1. Мамлакатимизда асрлар давомида ўзига хос миллий маънавий тарғибот системаси шаклланган. Мустақиллик йилларида ушбу системани ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Геополитик рақобат авж ола бошлаган, турли ғоялар, мафкуралар ва таълимотлар тарғиботи янги паллага кирган дастлабки босқичда миллий маънавий тарғибот системаси ўз олдига қўйилган ижтимоий вазифани асосан бажаришга муваффақ бўлди.

2. Бугунги кунда деструктив характердаги тарғибот типларининг кўпайиб бораётгани миллий маънавий тарғибот системасини модернизациялашни тақозо этмоқда. Бунинг учун энг аввало ушбу система фаолиятига доир долзарб муаммоларни аниқлаш ва умумлаштириш, уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

3. Миллий маънавий тарғибот системаси фаолиятига доир асосий муаммолар маънавият тарғиботчиларининг савияси, маънавий тарғибот мавзуларининг такрорланиши, тарғиботда узлуксизлик ва табақалаштирилган ёндашувнинг етишмаслиги, воситалардан фойдаланишда мутаносибликнинг бузилиши билан боғлиқ.

4. Миллий маънавий тарғибот системаси фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш учун “Маънавий тарғибот системаси фаолиятини модернизациялаш бўйича Давлат дастурини” ишлаб чиқиш ва бажариш зарур.

ХУЛОСА

Диссертация интиҳосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ХХI асрда кишилиқ жамиятида муқаддам мавжуд бўлмаган ёхуд жиддий аҳамиятга эга бўлмай келган янги жараёнлар, тенденциялар, атрибутлар бўй кўрсата бошлади. Хусусан, турли геополитик кучлар ўр-

тасидаги рақобат мисли кўрилмаган даражага ва камровга етди. Бу рақобат турфа ижтимоий феноменларнинг мазмуни ва характериға ўзгача тус берди. Жумладан, жаҳон мамлакатларидаги тарғибот системалари геополитик мақсад ва муддаоларға хизмат қиладиган системаға айланди. Замоनावий тарғибот услублари ва усуллари, омиллари ва воситалари ёрдамида геополитик макондаги кучлар нисбатини ўзгартиришға интилиш кучайди. Бундай шароитда мамлакат маънавий хавфсизлигини таъминлаш стратегик аҳамиятға молик ижтимоий вазифа бўлиб қолмоқда. Мазкур ижтимоий вазифани бажариш эса миллий маънавий тарғибот системасини модернизациялашни тақозо қилади.

